

8-1-2019

## OUTSOURCING IN THE INSTITUTIONS OF PRESCHOOL EDUCATION AND THE ADVANTAGES OF ITS USE

G. Kasimova

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Kasimova, G. (2019) "OUTSOURCING IN THE INSTITUTIONS OF PRESCHOOL EDUCATION AND THE ADVANTAGES OF ITS USE," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 4.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss4/4>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## **OUTSOURCING IN THE INSTITUTIONS OF PRESCHOOL EDUCATION AND THE ADVANTAGES OF ITS USE**

This article discusses the development of the system of preschool education, changes in the regulatory legal acts adopted in the country, the importance of outsourcing in improving the efficiency of budget expenditures. Using the experience of foreign countries, recommendations are given on the application of outsourcing budget practice.

**Keywords:** social sphere, human capital, social programs, education, healthcare, financial control, outsourcing, efficiency, cost effectiveness, budget services.

Preschool educational institutions are a large part of the education sector and provide moral services to society and its members. Economic transformations in preschool institutions and successes in improving financial support for this sector are largely dependent on the development of education. Thus, no matter how difficult the financial situation is, it is necessary to raise the funds necessary to support and develop education, health, science and culture.

To improve the organization of healthy nutrition for students in state preschool institutions, ensure the healthy and harmonious development of children by organizing nutrition in accordance with established sanitary standards, hygienic standards, improve the quality and effectiveness of education with the introduction of modern methods of healthy nutrition in July 25, 2019, the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan adopted Decree No. 626 “on further improvement of the healthy nutrition system in state preschool educational institutions”.

The requirements of the Regulation “On the organization of healthy nutrition in state preschool educational institutions” apply to local and foreign business entities (outsourcing), which provide healthy nutrition through outsourcing in all types of state preschool institutions, regardless of their legal form. The introduction of the outsourcing method of healthy nutrition for children in preschool institutions is a priority. ”

Requirements of the Regulation “On the procedure for healthy eating outsourcing in state preschool institutions”, “Regardless of the organizational and legal formats, state educational institutions are outsourced to local and foreign business entities. The introduction of the outsourcing method of healthy nutrition for children in preschool institutions is a priority. ”

Foreign scientist R. Timman<sup>1</sup> in his scientific article “Outsourcing Providers. The trend towards "package" services "proposed the idea of outsourcing for budget organizations through external service providers.

The success of an outsourcing project largely depends on explaining to the client that the outsourcing model does not mean a “come and forget” scheme. First of all, this concerns the establishment of partnerships with a service provider. The results of the work are largely related to the timeliness and completeness of the data required

---

<sup>1</sup>Tieman, R. Outsourcing providers. Trend towards «bundled» services // Financial Times. Special report: outsourcing. 2003. - June №30. - P.4-21.

by the customer, and the agreed schedule. First of all, this concerns the establishment of partnerships with a service provider. The results of the work are largely related to the timeliness and completeness of the data required by the customer, and the agreed schedule.

B.G. Auguste<sup>1</sup> in his research paper, *The Other Side of Outsourcing*, describes the benefits of outsourcing to government agencies. Landfeld-Smith, A. Kim<sup>2</sup> in his research paper “*Outsourcing Relationship Management. Strategic Resource Management Series*” analyzes the importance and characteristics of outsourcing in the strategy of a resource management system. An alternative budgeting service should be evaluated in terms of its funding effectiveness. The method of evaluating the effectiveness of budget expenditures is based on the calculation of indicators in the scientific work of N. Parison, O.A. Aleksandrov, V.K. Mokry, A.V.Gukova and N.Men, which allows optimizing budget expenditures by items and comparing the results of budget services. In the study D.A. Ameline states that some budget services will be transferred to the subjects of the competitive market. In Ignatyuk’s research, outsourcing was studied as an opportunity to optimize the provision of budget services by public and private businesses.

In our opinion, A.V. Gukova, D.M. Shor [14] proposed that four methods of outsourcing should be applied in the provision of budget services among the methods of assessing the effectiveness of budget expenditures.

“The development of the country and the welfare of the people are inseparably linked with the effectiveness of social sector reforms. Any social program or project that is funded from the budget should have indicators of quality and quantity that should be outcome-oriented” [3].

In our opinion, modern methods can be used to improve the organization of healthy and safe nutrition for students in preschool institutions (outsourcing, catering, baby food centers).

In our opinion, when an outsourcing organization for healthy nutrition offers long-term promising projects, it may be appropriate to conclude a five-year contract between the district (city) department of preschool education and the outsourcing service provider. In our opinion, it is advisable to use the index of final results when developing a methodology for assessing the effectiveness of budget expenditures based on outsourcing in the social sphere.

In our opinion, the use of the outsourcing mechanism in medical institutions and in the implementation of the cost of food for the state budget will be very effective.

---

<sup>1</sup> Auguste, B.G. *The Other Side of Outsourcing* / B.G. Auguste, Y. Hao, M. Weigand // *The MacKinsey Quarterly*. 2002. - №1. - P. 3-15.

<sup>2</sup>Langfield-Smith, Kim. *Managing the Outsourcing Relationship. Strategic Resource Management Series* / Kim Langfield-Smith, David Smith, Carolyn Stinger // *New South Wales University Press Ltd*. May 2006. - P.60-69.

Касимова Г.А. – Тошкент. Ўзбекистон

## **МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИДА АУТСОРСИНГ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ**

Ушбу мақолада мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, бу борадаги мамлакатимизда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгаришлар, бюджет харажатларининг самандорлигини оширишда аутсорсингнинг аҳамияти ўрганилган. Хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, бюджет амалиётида аутсорсингни қўллаш бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** Ижтимоий соҳа, инсон капитали, ижтимоий дастур, таълим, соғлиқни сақлаш, молиявий назорат, аутсорсинг, самандорлик, харажатлар натижадорлиги, бюджет хизмати.

## **АУТСОРСИНГ В УЧРЕЖДЕНИЯХ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ И ПРЕИМУЩЕСТВА ЕГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ**

В данной статье рассматриваются развития системы дошкольного образования, изменений в нормативно-правовых актах принятых в стране, значение аутсорсинга в повышение эффективности бюджетных расходов. Используя опыт зарубежных стран, приводятся рекомендации по применению аутсорсинга бюджетной практике.

**Ключевые слова:** Социальная сфера, человеческий капитал, социальные программы, образование, здравоохранение, финансовый контроль, аутсорсинг, эффективность, результативность расходов, бюджетные услуги.

### **Кириш**

Ҳақиқатан ҳам, жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислохотлар, аввало, таълим тизимидан, яъни боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, «таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни, таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим. Хусусий мактаблар ташкил этиш, давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш керак» [2].

Болани соғлом овқатлантириш ва уларга сифатли таълим-тарбия бериш энг долзарб масала ҳисобланади. Соғлом овқатлантиришни йўлга қўймасдан туриб, сифатли таълим-тарбия бериш амалиётини йўлга қўйиш мушкул.

Республикамизда жойлардаги тадқиқотлар олиб бориш жараёнидаги таҳлил маълумотлари гувоҳ берадики, улар таомномани шакллантириш жараёнида боланинг ёши, жисмоний имкониятига мос бўлган таомномаларни шакллантиришда хатога йўл қўйишмоқда. Энг катта муаммо – мактабгача таълим муассасаларидаги ҳамшираларда таомнома тайёрлаш билими йўқ. Бинобарин, ҳар ойда болаларга берилаётган озиқ-овқат маҳсулотининг миқдори ва сифати мунтазам таҳлил қилиб борилиши керак. Ўтган йили баъзи вилоятларда мактабгача таълим муассасасида болаларга балиқ маҳсулоти умуман берилмаганлиги аниқланди.

Давлат мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш ишларини янада такомиллаштириш, белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ҳолда овқатлантиришни ташкил этиш орқали болаларнинг соғлом ва баркамол ўсишини таъминлаш, соғлом овқатлантиришнинг замонавий усулларини жорий этган ҳолда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлда «Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 626-сон Қарори тасдиқланди. «Давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари «ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча турдаги давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича хизмат кўрсатувчи маҳаллий ва хорижий тадбиркорлик субъектларига (аутсорсер)га тааллуқли ҳисобланади» [4].

Ўз-ўзидан маълумки, бундай шароитда Давлат бюджетидан мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш, озиқ-овқат харажатлари учун ажратилган маблағларининг самарадорлигини ошириш ҳамда ижтимоий соҳада давлат хариди ва аутсорсингга қаратилган назарий-методологик ва ташкилий масалалар ўта долзарб аҳамият касб этади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Мактабгача таълим муассасалари таълим соҳасининг катта бир бўлаги ҳисобланади, жамият ва унинг аъзоларига маънавий хусусиятдаги хизмат кўрсатиш вазифасини амалга ошириш билан шуғулланади. Мактабгача таълим муассасаларида олиб борилаётган иқтисодий ўзгаришлар, бу соҳани молиявий таъминлашни такомиллаштириш муваффақияти кўп жиҳатидан таълим соҳаси ривожига боғлиқ. Шунинг учун «молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ қидириб топилиши шарт» [16].

А.Смит фикрича, «миллий бойликни таксимлашда болалар сони катта бўлганлиги учун харажатларни кўпайтиради. Болалар катта бўлганидан кейин уларнинг меҳнатидан фойдаланиш болаларнинг тарбиясига қилинган харажатларни қоплаши мумкин. Жамиятда камбағаллик кўп туғилиш ва юқори даражадаги болалар ўлими билан бирга юради. Аҳоли сонининг ўсиши ҳаёт стандартлари кўрсаткичини туширмайди. Жамиятда мактабгача ва мактаб таълим хизматига эътибор бериш муҳим» [5].

Т. Шульц бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва тўлиқ ўрта маълумот, расмий ва норасмий таълим, озиқ-овқат дастурлари, тиббий хизмат, аёллар ва болалар соғлиғини сақлашга доир тадқиқотлар олиб бориш учун сарфланадиган харажатларни ва улардан олинадиган даромадларни ҳисоблаб чиқди. Т. Шульц таълим тизимини нафақат истеъмол шакли сифатида, балки, ишлаб чиқаришга йўналтирилган капитал қўйилмалар шаклида қараш кераклигини таклиф этди [10].

«Инсон капиталини молиялаштиришда бир нечта ёндашувлар мавжуд, бу ёндашувларда: мактабгача таълимни молиялаштириш; ўрта махсус ва олий таълимни молиялаштириш; соғлиқни сақлашни молиялаштириш; маданиятни молиялаштиришни кўриш мумкин» [24].

«Инсон капитали маълум даражада харажатларни талаб этади, аммо бу харажатлар агарда ишлаб чиқариш жараёни тўғри ташкил этилса, у нафақат бу харажатларни қоплайди, балки маълум даражада даромад келтиради»[21]. Д.А.Рахмонов томонидан «ижтимоий соҳани молиялаштириш натижасида инсон капиталининг ривожланишига шароит яратилиши алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилган» [19]. Д.Д.Рустамова инсон капиталига инвестицияларни моддий ва номоддий инвестицияларга бўлиб ўрганган [20]. . Унинг фикрича, моддий турга инсоннинг жисмоний шаклланиши ва ривожланиши учун зарур бўлган барча харажатлар (боланинг туғилиши ва тарбияси учун чиқимлар) киради. Номоддий турга умумий таълим ва махсус тайёргарлик учун йиғилган харажатлар, соғлиқни сақлаш ва ишчи кучини тақсимлаш учун йиғилган харажатларнинг маълум қисми киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 24 йиллигига бағишланган маърузада қуйидагиларни таъкидладилар. «Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятининг бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз»[1]. «Ижтимоий хизмат даражасининг кескин пасайишига йўл қўймаслик чоралари кўрилади. Инсон учун ўта муҳим, юқори калорияли озиқ-овқат истеъмоли таркиби такомиллаштирилади. Халқимиз генофондини сақлаш учун ҳомиладор аёллар ва болаларнинг овқатланиш рационали бўйича амалдаги меъёрларни халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқилади» [3].

Бундан бир неча йиллар илгари «аутсорсинг» механизми фақат хусусий секторда фойдаланилган бўлса, бугунги кунда бюджет ташкилотларида ҳам

ижтимоий хизмат кўрсатишда «аутсорсинг»дан унумли фойдаланилмоқда. Аутсорсинг (outsourcing) – ташкилотнинг у ёки ёки функцияларини шу фаолиятни олиб боришга ихтисослашган ташқи ижро этувчиларга беришдир. Бошқача қилиб айтганда, аутсорсинг деганда, давлат секторининг нодавлат сектордан товарлар, ишлар ва хизматлар сотиб олишининг умумий ҳажми тушунилади.

Хорижий олимлардан Р.Тиман ўзининг «Outsourcing providers. Trend towards «bundled» services» номли илмий мақоласида ташқи хизмат кўрсатувчи провайдерлар орқали бюджет ташкилотларида аутсорсингдан фойдаланиш ғоясини берган. [23]. Аутсорсинг лойиҳасининг муваффақияти кўп жиҳатдан мижозга аутсорсинг моделида «бериш ва унутиш» схемасини англатмаслигини тушунтиришга боғлиқ. Бу биринчи навбатда хизмат кўрсатувчи провайдер билан ҳамкорлик алоқаларини шакллантиришдир. Иш натижалари кўп жиҳатидан буютрмачи томондан зарур маълумотларни узатишнинг ўз вақтида ва тўлиқлиги ҳамда ўзаро келишилган келишув жадвалига риоя қилиш билан боғлиқ.

Б.Г. Огюст ўзининг «The Other Side of Outsourcing» номли илмий мақоласида давлат ташкилотлари учун аутсорсингнинг ижобий томонларини кўрсатган [7]. Ландфелд-Смит, А.Ким ўзининг «Managing the Outsourcing Relationship. Strategic Resource Management Series» номли илмий мақоласида ресурсларни бошқариш тизими стратегиясида аутсорсингнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилган [12]. Бюджет хизмати кўрсатишнинг альтернатив вариантини уларни молиялаштиришнинг натижадорлиги нуқтаи назаридан баҳолаш керак. Бюджет харажатларининг самарадорлигини баҳолаш услуги Н. Мэнинг ва Н.Парисон [18], О.А.Александров ва В.К.Мокрий [8], А.В.Гукова ва В.В.Тараканов [13] ва бошқа олимларнинг илмий ишларида бюджетнинг моддалар бўйича харажатларни оптималлаштириш ва бюджет хизмати кўрсатиш натижаларини боғлаш имконини берадиган индикаторларни ҳисоблашга асосланган. Д.Е.Амелин тадқиқотларида баъзи бюджет хизматлари кўрсатишни рақобатдош бозор субъектларига ўтказилиши таъкидланган [6]. Н.Игнатюк илмий ишларида аутсорсинг давлат ва хусусий бизнес томонидан бюджет хизмати кўрсатишни тартиблашнинг варианты сифатида ўрганилган [15].

### **Таҳлил ва натижалар**

«Аутсорсинг жуда ривожланган мамлакатларга англо-саксония мамлакатлари (Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия), скандинавия мамлакатлари (Швеция, Дания, Финляндия) ва Узоқ Шарқ мамлакатлари (Сингапур, Гонконг, Жанубий Корея) киради. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда мазкур услубиёт асосида ҳисобланган давлат сектори аутсорсинги 2009 йилда ЯИМ нинг 10,0 фоизини ташкил этган. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти давлат

секторидаги аутсорсингнинг улушини доимий равишда таҳлил қилади ва баҳолайди» [9].

«Хорижий давлатларда аутсорсингга берилган давлат органлари функциясини уч гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга таъминловчи функциялар, масалан, овқатлантириш, биноларни тозалаш, чиқиндиларни чиқариш, қўриқлаш хизмати киради. Мазкур функцияларни осонгина аутсорсингга берилиши мумкин, чунки булар бюджет ташкилоти ва бошқарув органлари фаолиятининг асосий вазифалари ҳисобланмайди, улардан фойдаланиш нисбатан оддий стандартлаштирилган ҳамда ижрочиларга юқори талаблар қўймайди ва билимнинг юқори даражаси талаб қилинмайди. Иккинчи гуруҳ функциялари ўз ичига ижрочилардан етарли равишда юқори касбий малака талаб қилувчи таъминловчи функцияларни ўз ичига олади. Бу гуруҳ функциялари молия ва бухгалтерия, кадрларни бошқариш, юридик хизмат, ҳужжатлар айланишини таъминлаш, ахборот технологияларидан фойдаланишни камраб олади. Охириги йилларда хорижий давлатлардаги давлат секторидаги аутсорсинг, биринчи навбатда, мазкур гуруҳ функцияларини бажариш билан боғлиқ, энг кўп фойдаланиладиган аутсорсинг функциялари сифатида ахборот технологияларидан фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Аутсорингга бериладиган учинчи гуруҳ функцияларига давлат хокимият органларининг ўзи тўғридан-тўғри бажарадиган асосий функциялар киради, хорижий давлатларда бу турдаги аутсорсинг жуда кам учрайди» [17].

«Шундай қилиб, мамлакат ва маҳаллий даражасида бюджет харажатларини оптималлаштириш зарурияти - аутсорсингдан фойдаланиш асосида бюджет харажатларининг самарадорлигини оширишдир» [14]. «Бюджет хизматларини амалга оширадиган бюджет ташкилотлари, тижорат ва нотижорат ташкилотларининг рақобатбардошлиги ҳамда бюджет харажатларининг натижадорлигини ошириш мақсадида аутсорсингдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади» [22]. Бюджет хизматларини кўрсатишда аутсорсингни қўллашнинг асосий принциплари куйидагилардан иборат: мувофиқлик, чекланганлик, ўзгарувчанлик, натижадорлик.

« Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислохотлари самараси билан чамбарчас боғлиқ. Бюджет ҳисобидан маблағ ажратиладиган ҳар қандай ижтимоий дастур ёки лойиҳанинг сифат ва миқдор кўрсаткичларидан иборат, натижага йўналтирилган индикаторлари бўлиши керак» [3].

Фикримизча, А.В. Гукова, Д.М Шор [14] томонидан таклиф этилган бюджет харажатларининг натижадорлигини баҳолаш услублари ичида бюджет хизматлари кўрсатишда «аутсорсинг»дан фойдаланишнинг тўртта босқичи орқали амалда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Муаллифлар томонидан бюджет хизмати кўрсатишда фойдаланиладиган аутсорсинг функциялари келтирилади:



- тақсимловчи, бюджет ташкилотлари томонидан хизматлар кўрсатишда оқилона ишлатилган бюджет маблағларининг миқдори ва йўналишларини ифодалаш;
- истеъмол қилувчи, истемолчиларга сифатли ва уларга мос келадиган нархларда кутилаётган бюджет хизматини кўрсатиш;
- фаоллаштирувчи, бюджет хизматлари бозорида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш;
- оптималлаштирувчи, ҳудуд ва маҳаллий даражада бюджет маблағларини оптималлаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Бюджет хизматлари кўрсатишда «аутсорсинг»дан фойдаланиш алгоритминини аниқлашнинг биринчи босқичида бюджет хизмати кўрсатишнинг тўғридан-тўғри кўрсаткичлар ва якуний кўрсаткичлар аниқланади. Бюджет хизмати кўрсатишда «аутсорсинг»дан фойдаланиш алгоритминини аниқлашнинг иккинчи босқичида мазкур кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби тақдим этилади. Учинчи босқичда якуний кўрсаткичлар бўйича натижа индекси аниқланади. Тўртинчи босқичда тўғридан-тўғри кўрсаткичлар индекси билан якуний кўрсаткичлар индекси йиғиндисидан иборат якуний натижалар индекси асосида бюджет хизматини аутсорсингга бериш тўғрисида қарор қабул қилинади. Якуний натижалар индекси 0,25 пунктдан кичик бўлса, бюджет хизматини аутсорсингга бериш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин, агар бу интервал 0,25 пунктдан 0 пунктгача бўлса, бюджет хизматининг маълум қисмини аутсорсингга бериш зарур. Агар кўрсаткич 0 га тенг бўлса, бюджет ташкилоти ва муассаса фаолиятинини қайта ташкил қилиш керак, агар бу кўрсаткич 0 дан катта бўлса, бюджет хизматини аутсорсингга бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

М.В. Казаковцева тадқиқотларида бюджет хизмати кўрсатишда аутсорсинг механизминини қўллашнинг услубий ёндошувлари берилган. «Давлат маблағларидан самарали фойдаланиш услубини ишлаб чиқишдаги бошланғич қадам давлат молиясини самарали бошқариш мезонларини аниқлашдир. Самарадорликни баҳолаш мезони жараёнларнинг сон ва сифат тавсифи ва давлат маблағларидан фойдаланиш натижаларини ўзида ифодалайди, шунингдек қайси натижалар давлат маблағларидан самарали фойдаланишга асосланганлигини кўрсатади» [17].

Т. Сильвестрова фикрича, юқори сифатли бюджет хизмати тақдим этиш нуқтаи назаридан бюджетнинг харажатлар қисмини режалаштиришни оптималлаштириш керак. «Бюджет хизматларини аутсорсингга берилиши бюджет харажатларини оптималлаштиришга ҳисса қўшади. Шунинг учун бюджет харажатларини оптимал режалаштириш деганда, биз мумкин бўлган пул харажатларининг оқилона вариантини танлаш орқали миждозларнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш жараёнини тушунишимиз керак. Бюджет ташкилотлари ва ижро этувчи ҳокимият органларига бўйсинадиган муассасаларни хизматлар кўрсатувчи сифатида ёки рақобат-дош бозорда

ташкilotларнинг тегишли хизматларини аутсорсинг асосида сотиб олиш молиялаштирилади» [22].

Мамлакат таълим тизимини ривожлантиришни таълим тизимидаги ислохотларни унинг қуйи бўғинидан, яъни мактабгача таълим муассаларидан бошлаш зурурлигини таъкидладилар ва мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрда «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2707-сонли Қарори қабул қилинди.

### 1-жадвал

#### Аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича танловларни амалга ошириш схемаси [4]

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Муддати
1-босқич	Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари	Аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича таклифларни ҳар чоракда бир маротаба ҳудудий бошқармаларга тақдим этиш	Кейинги чорак биринчи ойининг 15-кунига қадар
2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълими бошқармалари	Ташкил этиш таклифларни умумлаштириш ва танлов комиссиясига тақдим этиш	Кейинги чорак биринчи ойининг 25-кунига қадар
3-босқич	Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги	Муассасаларда тарбияланувчиларни аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича танловни ошкоралик, маблағларнинг иқтисодий самарали сарфланиши таъминоти асосида ўтказиш	Кейинги чорак иккинчи ойининг 25-кунига қадар
4-босқич	Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими	Танловда ғолиб чиққан аутсорсер билан муассасаларда аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш хизматини кўрсатиш бўйича тегишли шартномаларни Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва вазирликнинг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтнинг махсус бўлимига жойлаштирилган намунавий шакл асосида тузиш	Кейинги чорак учинчи ойининг 5-кунига қадар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги «Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 626-сон Қарорига мувофиқ, Ҳукумат томонидан Тошкент шаҳридаги давлат мактабгача таълим муассасалари томонидан тадбиркорлик субъектлари билан сифат ва санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланган таомларни етказиб бериш ҳақида тўғридан-тўғри шартномалар тузиш бўйича эксперимент ўтказилди. Эксперимент жараёнида 60 нафар тадбиркор ва 266 та мактабгача таълим муассасаси иштирок этиб, жами 63760 нафар тарбияланувчини аутсорсинг усулида (мактабгача таълим муассасасига тайёр овқат етказиб бериш йўли билан) овқатлантириш ташкил этилди.

Муассасада аутсорсинг усулида овқатлантириш «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таркиби тасдиқланадиган Танлов комиссияси томонидан ўтказиладиган танлов асосида ташкил этилади. Муассасаларда тарбияланувчиларни аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича танлов Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги томонидан (кейинги чорак иккинчи ойининг 25-кунига қадар) ошкоралик, маблағларнинг иқтисодий самарали сарфланиши тамойиллари асосида ўтказилади. Комиссия аутсорсер фаолияти юзасидан алоҳида мониторинг олиб боради. Шунингдек, уларнинг фаолияти натижаларига кўра, Аутсорсерни «инсофли ижрочи» ёки «инсофсиз ижрочи» рўйхатига киритиш ҳуқуқига эга. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими (кейинги чоракнинг учинчи ойининг 5-кунига қадар) танловда ғолиб чиққан аутсорсер билан муассасаларда аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш хизматини кўрсатиш бўйича тегишли шартномаларни Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва вазирликнинг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтининг махсус бўлимига жойлаштирилган намунавий шакл асосида тузади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки:

- Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришда энг муаммоли масалалардан бири – хусусий секторда яхши тажрибадан ўтган замонавий механизм ва услубларни бюджет хизмати кўрсатилаётган ижтимоий соҳаларда қўллашдир;
- мактабгача таълим муассасаларида болаларни соғлом овқатлантиришнинг аутсорсинг усулини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга;
- мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг соғлом рационал ва хавфсиз овқатлантиришни ташкил этилишини такомиллаштириш ва бюджет харажатларини оптималлаштириш мақсадида кейтринг, болалар овқатланиш комбинатлари каби замонавий усуллардан фойдаланиш мумкин.

Бизнинг фикримича, бюджет ташкилотларида аутсорсинг усулини жорий этишда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- аутсорсер томонидан муассасаларда соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича узок муддатга режалаштирилган истиқболли лойиҳалар тақдим қилинганда, танлов комиссиясининг қарорига асосан туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари билан аутсорсер ўртасида беш йилгача муддатга шартномалар тузилиши лозим;
- ижтимоий соҳада аутсорсинг асосида бюджет харажатларининг натижадорлигини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқишда яқиний натижалар индексидан фойдаланиш керак;
- соғлиқни сақлаш муассасаларида давлат бюджетининг овқатланиш харажатлари ижросида ҳам аутсорсинг механизmidан фойдаланиш яхши натижалар беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 24 йиллиги тантанали маросимидаги маърузаси.

2016 йил. 7 декабрь. <http://www.gazeta.uz/uz/2016/12/08/speech-2/>

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. \ Халқ сўзи. 2018 йил. 28 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 26 йиллиги тантанали маросимидаги маърузаси. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тadbirkor халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. 2018 йил. 8 декабрь.

<http://uza.uz/oz/politics/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon-ayet-08-12-2018>

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 626-сон Қарори. 2019 йил. 25 июл. «Давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низом. 2-илова.

5. Adam Smith. An Inquiry in to the Nature and Causes of the Wealth of Nations, New York, Random House. 1937. p326.

6. Амелин Д.Е. Аутсорсинг муниципальных функций. М.: 2008. URL.: <http://www.vscs.ac.ru>.

7. Auguste, B.G. The Other Side of Outsourcing / B.G. Auguste, Y. Hao, M. Weigand // The McKinsey Quarterly. 2002. - №1. - P. 3-15.

8. Александров О.А., Мокрый В.К. Методические основы оценки эффективности и результативности бюджетных расходов в Республике Карелия. Саратов: 2004. URL: <http://www.rdccentre.ru>.
9. Ваксова Е.Е., Карасева А.С. Применение механизмов аутсорсинга на федеральном уровне. // Бюджет. М.: 2012. № 5. –С.20-25.
10. Shultz T. Human Capital, family planning and their effects on population growth // American Economic Review. -1994. –May. P.45.
11. John Bailey, Jones YueLi. The effects of collecting income taxes on Social Security benefits. Journal of Public Economics. Volume 159. 2018. P. 128-145. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0047272718300045>
12. Langfield-Smith, Kim. Managing the Outsourcing Relationship. Strategic Resource Management Series / Kim Langfield-Smith, David Smith, Carolyn Stinger // New South Wales University Press Ltd. May 2006. - P.60-69.
13. Гукова А.В., Тараканов В.В. Методика оценки результативности расходования бюджетных средств. //Финансы и кредит. М.: 2009. № 17. – С.10-17.
14. Гукова А.В., Шор Д.М. Методика оценки результативности расходов бюджетов при аутсорсинге бюджетных услуг. //Финансовая аналитика проблемы и решения. М.: 2011. № 5. –С.2-9.
15. Игнатюк Н.Государство-частное партнерство в России. // Прово и экономика. М.: 2006. № 8. –С.27-33.
16. Каримов И. А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Тошкент. Ўзбекистон. 1996. –Б.143.
17. Казаковцева М.В. Методологические подходы применения механизмов аутсорсинга бюджетных услуг. //Финансы, денежное обращение и кредит. Москва.: 2013. № 3. –С.67-73.
18. Мэнинг Н., Парисон Н. Реформа государственного управления: международный опыт: пер. с англ. М.: Вес мир. 2003. -431 с.
19. Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг назарий методологик асослари. [www.interfinance.uz](http://www.interfinance.uz).\\ «Халқаро молия ва ҳисоб» электрон журнали. -Тошкент. 2017. -№5. октябр.
20. Рустамова Д.Д. Инсон капиталига инвестициялар ва уларнинг хусусиятлари.\\ Молия. 2014 йил. № 7 –Б.33-35.
21. Рутгайзер В. Социальная сфера: проблемы планирования. М.: Экономика 1989. –С.239.
22. Сильвестрова Т. Порядок составления сметы доходов и расходов в бюджетном учреждении. // Силовые министерства и ведомства: бухгалтерский учет и налогообложение. М.: 2006. № 6. –С.54.
23. Tieman, R. Outsourcing providers. Trend towards «bundled» services // Financial Times. Special report: outsourcing. 2003. - lune №30. - P.4-21.
24. Хусанов Д., М.Эргашев. Инсон капиталининг ривожланиш эволюцияси.\\ Молия. 2017 йил. № 2 –Б.90-94.